

ОМОНХОНАДА ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Бир кун бўлса-да бойсунлик ёшларнинг ҳаёти Инкобод маҳалласидаги сўлим Омонхона қишлоғи билан боғланди. У ерда вилоят ҳокими Улугбек Қосимов туманимиз ёшлари билан учрашиб, дилдан суҳбатлашди.



Шуни айтиш керакки, Бойсунда ҳам турли соҳаларга қизиқувчи ёшлар кўп. Айниқса, спортни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, туризмни йўлга қўйиш, IT йўналишида сабоқ олиш ҳамда олийгоҳларга кириб, етук мутахассис бўлиб етишиш истагида бўлганлар бисёр. Учрашувда иштирок этган эллик нафардан ортиқ ёшлар ўз муаммолари ва таклифларини баён этар экан, вилоятимиз раҳбари ёшларнинг бу борада ўз ўринларини топишида имкониятлар яратиб бериш борасида таъкидлари кўпчиликини қизиқтирди.

—Бугунги учрашувдан ниятда таъ-

сирландим, — дейди Тузбозор маҳалласининг ёшлар етакчиси Жавоҳир Абдунабиев. — Айниқса, вилоятимиз раҳбарининг Бойсунга тааллуқли таклифлари мени қувонтириб юборди. Бунинг

устига бугун энг фаол бойсунлик ёшларнинг бири сифатида эътироф этилганим кейинги фаолиятимда янада яхшироқ ишлашга руҳлантиради.

Дарҳақиқат, вилоят ҳокими ёшларнинг таклиф-мулоҳаза ва ташаббусларини тингларкан, уларни манзилли ҳал этиш устида ваъда бериб, ёшлар орасида пешқадам ва уларга раҳнамо бўлаётган энг фаол маҳалла етакчилари ва ишбилармон ёшларга махсус совринлар топширди.

Абдулфаттоҳ ХУСАНОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи.

Бугунги кун руҳиятимиз, савий-ҳаракатларимизни ифодаловчи жараёнлар орасида Илҳомжоннинг айнан “Бугун биз қалбан биргамиз” деган таърифномаси ўша кунги референдум олди тадбирлари иштирокчилари дилидаги гапнинг асоси дейишга ҳақлигимиз. Қолаверса, “Ёшлар боғи”да йиғилган юзлаб кексаю ёшнинг қўлларида “Конституция — бизники, меники, сеники, ҳаммамизники!” шioriлари билан бирга Ўзбекистон байроқлари кўзга ташланади. Иштирокчиларнинг шашти баланд, ҳар бирида бугунги кунга шукроналик ифодаси бордек.

—Кечагина Термиздан келдим, — дейди 7-МТТ тарбиячиси Саодат Мўминова. — Ўқиётган олийгоҳимда ҳам мана шундай тадбир ўтказилиб, унда мен ҳам қатнашдим. Бугун бу ердаман. Қўлимдаги байроғимизни баланд кўтариб, ҳилпиратганим Конституциямизга нисбатан ҳурматимдир...

“Ёшлар боғи”да янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида қатнашаётган ҳар бир кишининг ўз сўзи, ўз овози бор эди. Бу ерга йиғилган жамоатчилик вакиллари, корхона, ташкилот, муассаса жамоалари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда туман Кенгаши депутатларини кутиб олишда Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман Кенгаши аъзолари мезбонлик вазифасини ўтамоқдалар. Қатнашувчиларнинг ҳар бирига партиянинг шiori — “Биз эркинлик учун овоз берамиз!” мавзусидаги буклетлар ҳамда қуёшдан сақловчи бош кийимлар тарқатилди.

Тадбирни Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят Кенгаши раиси Алишер Рўзиев нутқ сўзлаб очган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлари Ҳазратқул Хўжамқулов, Ботир Мадатов, туман халқ таълими бўлими мудири Шўҳрат Холматов, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Баҳодир Нормаматов, фахрий де-

“БУГУН БИЗ ҚАЛБАН БИРГАМИЗ!”



путат Файзулла Ҳамдамов, халқ таълими фахрийси Саида Насруллаева ҳамда тадбиркор хунарманд Мафтуна Азизовалар бу борадаги ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида илгари сурилган инсонни улуғлаш, қадрлаш билан боғлиқ масалалар устида сўзладилар.

—Мен Конституциямиз лойиҳасида акс этган хотин-қизларнинг мавқеини ошириш тўғрисидаги ҳуқуқий жиҳатлар ҳақида гапирмоқчиман, — дейди ижодкор муаллима Саида Насруллаева. — Ўз меҳнатим, савий-ҳаракатларим билан мактаб директори, маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифаларида ишлаганман. Шундай пайтлар бўлдики, “сиз аёлсиз, хотин-қизлар маҳалла раиси лавозимида ишлаши мумкин

эмас, оқсоқоллик эркакларнинг иши” деб, кимларгадир керак бўлган мансабни бошқаларга улашиб юборишди. Менимча, бундай қалтафаҳмлиқка янгиланаётган Конституциямиз мутлақо йўл бермайди. Хотин-қизларнинг турмушини яхшилаш, иш билан банд бўлишлари учун яратилган имкониятларнинг ўзи бизни шукроналикка чорлайди.

Табиийки бу каби дилдан айтилган сўзлар эртанги кунимизга бефарқ бўлмаган кўпчиликнинг кўнглидаги гаплар, албатта.

Ўзаро ҳурмат, мулоқот шаклида бўлиб ўтган тадбирдан сўнг бойсунлик санъаткорларнинг ажойиб тарздаги чиқишлари, улар томонидан ижро этилган куй-қўшиқларни тинглаб, кўнгилаш ҳам ором олди.

П.НАЗАРОВ.

Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор туфайли уларни маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Зеро, маънан ва жисмонан баркамол авлод юрт ва миллатнинг ишончли келажаги, давомчиларидир. Яқинда республикаимизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ташкил этилган “Ўзбекистон — ёшлар мамлакати” шiori остида ўтказилган спорт мусобақалари ва маданий-маърифий тадбирлардан мақсад ҳам айнан келажагимиз пойдевори бўлган ёшлар орасида спортни оммалаштиришга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этди.

Мазкур тадбир доирасида тумандаги “Алпомиш” ўйингоҳида юзлаб ёшлар иштирокида спортнинг футбол, волейбол, кураш, арқон тортиш, югуриш ва бошқа бир қатор

ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ

турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Айниқса, футбол ҳамда кураш бўйича беллашувлар тадбирнинг энг асосий мусобақаларига айланди. Футбол жамоалари ва полвонларимиз нафақат ғалабага бўлган интилишларини, балки спортнинг ҳақиқий ҳозираси, шиддатини кўрсатиш учун ҳам ҳаракат қилган ҳолда томошабинлар олқишига сазовор бўлиб, ўзига хос спорт шоусини тақдим қилдилар. Албатта, барча тур бўйича ғолиблар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирландилар.

Тадбирнинг иккинчи қисмида спорт мусобақалари маданий чиқишларга улашиб, туманимизнинг энг хушовоз хонандалари иштирокидаги ҳақиқий ёшлар байрамига айланди. Улкан ўйингоҳ ўртасида барпо этилган сахнадан туриб ижро этилган шўх куй ва қўшиқлар садоси остида юзлаб ёш йиғит-қизларнинг ўйин-кулгиси байрамга ўзига хос шукҳ бағишлаб турди.

Оммавий спорт байрами ва ёшлар сайли сўнггида барча ёшлар бир овоздан 30 апрель — умумхалқ референдуми кунини биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси учун овоз беришларини билдириб, барча иштирокчилар ва туманимиз фуқароларини референдумда ҳамжиҳатлик билан иштирок этишга чақирдилар.

Н.ЖҲАҚУЛОВА.

Жорий йилдаги “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи мавсумида туманимиз аҳолиси ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилишди. Бу энг аввало фуқароларнинг ўз ҳудудларидаги мавжуд ижтимоий муаммоларга бефарқ эмасликлари, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағларининг тақсимланишида бевосита иштирок этишлари ҳамда бу борада шаффофликни таъминлашда яратилаётган имкониятлар самарасидир.

Якуний ҳисобга кўра “Open Budget” портали орқали аҳоли томонидан билдирилган овозлар ҳисобида жами 10 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

- 1.6-сон умумтаълим мактаби биносининг эшик ва дераза ромлари, пол қисми, ташқи фасад қисми ва ички пардос ишлари лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 1,2 млрд. сўм.
- 2.“Шифобулоқ” маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Аламли массивидан 9 километр ҳажмдаги ичимлик суви шохобчаси тортиш лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 800 млн. сўм.
- 3.Кўчмақ маҳалласида жойлашган 7-сон умумтаълим мактабида сунъий чим қопламали замонавий футбол майдони қуриш лойиҳаси лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 400 млн. сўм.

Ушбу лойиҳалар ғолибларини табриклаган ҳолда туманимиз фуқароларини “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг навбатдаги иккинчи мавсумида ҳам ҳамжиҳатлик билан иштирок этишга чақирамиз. Зотан, сиз учун берилаётган ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш келгусида ҳудудингиздаги мавжуд долзарб ижтимоий муаммоларни тезликда бартараф этилиши учун қулай замин яратишини унутманг.

ЭНДИ „СНОС“ МУАММОСИГА ХАМ ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ

Фуқароларга тегишли уй-жой ва кўчмас мулк билан боғлиқ муаммолар бугунгача ҳам аҳоли ўртасида турли эътирозларга сабаб бўлиб келаётгани ҳаётий ҳақиқат. Айниқса, кейинги пайтларда ёки тадбиркорларни кўчмас мулкдан маҳрум қилиш суд қарорисиз, ўзбошимчилик билан амалга оширилиб келинади. Янгиланаётган Бош Қомусимиз туфайли узок йиллардан буён фуқароларни қийнаб келаётган ушбу гайриқонуний одат ҳам барҳам топадиган бўлди. Зотан, янгиланаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддасида: “Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг тўлиқ қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда на-

зарда тугилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади” мазмунини адолатли талабнинг қиритилаётгани “снос” масаласида бугунгача рўй бериб ке-



лаётган барча муаммоларга узил-кесил чек қўяди.

Эътироф этиш лозимки, янгиланаётган Конституция бу энг аввало мамлакатимизда суд-хуқуқ ва қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарасидир. Яна бир неча кундан сўнг мамлакатимиз аҳли “Ўзбекис-

тон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунини қабул қилиш учун умумхалқ референдумида иштирок этадилар. Шахсан мен ҳам ўз конституциявий ҳуқуқларимдан фойдаланган ҳолда мазкур қонун учун овоз беришни ният қилганман. Чунки

Конституция Ўзбекистонимизнинг рағнақ топиши, халқимиз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиши ва фаровонлигимиз кафолати бўлиб қолишига ишонаман.

Гавҳар ҚОСИМОВА,
туман адлия бўлими Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

Ўрал МУРОДОВ,
туман ҳокимлиги бош мутахассиси.

“TASHABBUSLI BYUDJET” ҒОЛИБЛАРИ

Жорий йилдаги “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи мавсумида туманимиз аҳолиси ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилишди. Бу энг аввало фуқароларнинг ўз ҳудудларидаги мавжуд ижтимоий муаммоларга бефарқ эмасликлари, шунингдек, маҳаллий бюджет маблағларининг тақсимланишида бевосита иштирок этишлари ҳамда бу борада шаффофликни таъминлашда яратилаётган имкониятлар самарасидир.

Якуний ҳисобга кўра “Open Budget” портали орқали аҳоли томонидан билдирилган овозлар ҳисобида жами 10 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

- 1.6-сон умумтаълим мактаби биносининг эшик ва дераза ромлари, пол қисми, ташқи фасад қисми ва ички пардос ишлари лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 1,2 млрд. сўм.
- 2.“Шифобулоқ” маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Аламли массивидан 9 километр ҳажмдаги ичимлик суви шохобчаси тортиш лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 800 млн. сўм.
- 3.Кўчмақ маҳалласида жойлашган 7-сон умумтаълим мактабида сунъий чим қопламали замонавий футбол майдони қуриш лойиҳаси лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 400 млн. сўм.
- 4.“Ширинобод” маҳалласи ҳудудидаги 33-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 1,2 млрд. сўм.
- 5.Тумандаги спорт мактабига қарашли “Алпомиш” ўйингоҳини таъмирлаш лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 1,2 млрд. сўм.
- 6.Пасурхи маҳалласи ҳудудида жойлашган 5-сонли умумтаълим мактабининг маънан эскирган биносини жорий таъмирлаш лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 500 млн. сўм.
- 7.“Мустақиллик” маҳалласи ҳудудида жойлашган 39-умумтаълим

мактабининг жорий таъмирлаш лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 1,2 млрд. сўм.- 8.Тузбозор маҳалласи ҳудудида жойлашган ихтисослаштирилган мактабда сунъий чим қопламали стадион қуриш лойиҳаси.. Ажратилган маблағ - 400 млн. сўм.
- 9.Дарбанд маҳалласи ҳудудидаги Ҳами Кабуд қишлоғида кўприк қурилиши лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 400 млн. сўм.
- 10. 23-умумтаълим мактабининг эшик ва дераза ромларини янгилаш ҳамда иситиш тизимини таъмирлаш лойиҳаси. Ажратилган маблағ - 250 млн. сўм.

ТУМАН ҲОКИМЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.

Ватан ягонадир, Ватан биттадир!

Boysun

Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгаши ва туман ҳокимлигининг gazetasi

Aziz 2023-yil uchun “Boysun” gazetasiga **mushtariylar!** obuna davom etmoqda!

Obuna bo'lish bevosita tahririyatning Agrobankdagi hisob raqami 20210000400429681001, INN 202173689 Boysun pochta aloqa filiali va Matbuot tarqatuvchi sho'ba korxonasi tuman bo'limlari orqali amalga oshirilmoqda.

Yillik obuna bahosi — 180 000 so'm.

ҲАР БИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Туманимиздаги 14-, 40-, 46-, 62-мактабларининг ўқувчилари иштирокида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ҳарбий билим кўникмаларини шакллантириш мавзусида кенгайтирилган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси О.Менглиев ҳамда туман мудоффа бўлими бошлиғи О.Муродовлар иштирок этган давра суҳбатида дастлаб 46-ўрта таълим мактабининг ЧҚБТ фани ўқитувчиси, захирадаги капитан З.Бердиев калашников автоматининг жанговар хусусиятлари хусусида қисқача маълумот бериб, автоматни нотўлиқ қисмларга ажратиб-йиғиш машғулотларини амалда бажариб кўрсатди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси О.Менглиев ўқувчиларга мамлакатимиз ҳарбий салоҳияти, бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучларимиз Олий қўмондонини, президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан армиямиз кудратини ошириш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, халқимиз оқолиштирилиги ва сарҳадларимиз тинчлигини сақлаш йўлида ҳарбийларимизнинг матонатли хизматли ҳақида маълумот бериб ўтди. Шунингдек, туман ҳарбий бўлинимаси раҳбари О.Муродов туманимизда қаҳирқўрққ ёшидаги ёшлар билан ишлаш, уларни қаҳирқўрққ тайёрлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида ўз фикр-мулоҳазасини билдирди.

Қизиқарли тарзда ўтган давра суҳбати давомида ҳарбий мутахассислар ўқувчиларнинг ҳарбий фаолиятга оид саволларига жавоб бердилар.

Б.ЭРГАШЕВ,

46-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Жорий йилнинг 9 мартида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, у давлат мулкни бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди. Қайсики, давлат мулкига бўлган мулк ҳуқуқи фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган қуйидаги асосларга кўра юзага келади: шартнома ва бошқа битимлар тузилганда; мол-мулкни ёки мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини; солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликни; шунингдек, давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидентларни ҳўжалик жамиятининг устав фондида киритиш йўли би-

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш йўлида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида қандай бўлмасин халққа намунали тиббий хизмат кўрсатишни юксалтириш, аҳоли соғлиғини тиклашда мўайян имкониятлардан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратиш бериш, умуман олганда, тиббиётга халқимизни яқинлаштириш, ишончини ошириш мақсадлари мужассам.

Бу борада Президентимизнинг “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий сўғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш

ТИББИЁТНИ СУЎҒУРТАЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори биз учун дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Бу борада нафақат Сирдарёда, балки республикаимизнинг қолган вилоятлари марказлари, ҳатто туманларда ҳам ишлар бошлаб юборилди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимларида Давлат сўғурта тиббий хизмат кўрсатиш механизмларининг қўлланилаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Узоққа бормайлик, жорий йилнинг ўтган даврида ушбу механизмнинг қўлланилиши натижасида имтиёз тоифасидаги беморларга тиббий хизмат кўрсатиш юқори малакада олиб борилади. Мисол учун бир пайтлар юрак қон-томир, буйрак, кўз ва инсоннинг бошқа аъзолари билан боғлиқ жарроҳлик амалиётлари ўтказиш учун юртдошларимизнинг айримлари кўп ҳолларда хорижга бориб келишга ҳаракат қилардилар. Эндиликда бу каби жарроҳлик

амалиётлари республикаимизнинг вилоят марказларида, туманларида ҳам амалга ошириляпти. Табиийки, бари давлат тиббий сўғурта жамғармаси ҳисобидан дейиш мумкин.

Давлат тиббий сўғурта механизминини жойларда тарғиб этишдаги жараёнлар ҳақида ҳам икки оғиз сўз юритмоқчимиз. Куни-кеча



туман ҳокимлиги йиғилишлар залида вилоят ҳокимлиги ҳамда давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси билан ҳамкорликда тасдиқланган “Медиа режа” асосида маҳалла фуқаролар йиғини раислари, туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари иштирокида давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси тизимига ўтиш ва унинг афзалликлари хусусида семинар ўтказилиб, бу борада бажариладиган ишлар ало-

ҳида тилга олиб ўтилди. Беморларни қабул қилишдан тортди, уларни ҳисобга олиш, бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш, лабораторик таҳлиллардан ўтказиб, бепул дори-дармонлар, шифохоналарга ётиш учун йўлланмалар берилишигача бўлган барча жараёнлар электрон шаклда амалга оширилиши



таъкидлаб ўтилди. Бу борада вилоят давлат тиббий сўғурта жамғармаси ҳудудий бош мутахассиси Алижон Мавлонов ҳамда туман ТТБ бош врачининг биринчи ўринбосари Баҳодир Нормаматовларнинг маърузалари тингланлиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб берилди.

Тоҳир БОТИРОВ,
туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

Давлат мулкни бошқариш субъектлари — Вазирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли давлат органлари, давлат муассасалари, шу жумладан, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборатдир.

Давлат мулки реестрини юритиш республика Вазирлар Маҳкамаси белгиллаган тартибда ва шаклда агентлик томонидан амалга оширилади. Агентлик эса ҳар йили 1 августга-ча давлат иштроткидаги корхоналарнинг ўтган молия йилидаги фаолияти самарадорлиги тўғрисидаги йиғма ҳисоботни ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

Н.МАМАДИЕВ, туман адлия бўлими бошлиғи.

Ҳисобли дўст айрилмас

Аслида ҳам шундай. Аммо ушбу пурҳикмат мақол мағзини тушулмаганларни ҳаёт панд бериб қўйиши кўп қузатилган.

Беҳруз билан Хуррам (исмлар ўзгартирилган) ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликнинг асл илдири ҳам шунга ўхшади. Гарчанд ҳар иккиси бир маҳаллада истиқомат қилиб, бир-бири билан “олди-берди”си узилмаган бўлса-да, биргина келишмовчилик уларнинг бир-бирига тан жароҳати етказиш ва оқибат суд залигача келиши билан аяқ тоғди.

Тўрт-беш нафар дўсту маҳалладошлар кўз ўнгида рўй берган муштлашув сабаби арзимаган 75000 сўмлик қарз тўфайли. Беҳрузнинг бошқа бир маҳалладошидан 6 миллион сўм (автомашина харидидан қолдиқ қарзини) олганлигини эшитган Хуррам унинг магазинидан автомашинаси учун харид қилган, бироқ сифатсизлиги сабаб қайтарилган эҳтиёт қисмининг пулини талаб қилади. Муаммони ўзаро келишув ва баъмаслаҳат муҳокама этиб, ҳал қилиш ўрнига ҳар иккиси ёққамошт бўлишни афзал кўришадди.

Воқеа барчанинг кўз ўнгида аҳоли гавжум катта йўл ёқасида содир бўлгани боис тўрт-беш маҳалладошлар уларни ажратиб қўйишга шошилади. Аммо қаҳр, жаҳолат ўз ишини қилиб, дўстлар ўзларига у ёки бу даражада енгил тан жароҳати етказиб бўлишганди...

Мазкур ишни муҳокама қилган суд гувоҳларнинг фикрлари ҳамда бўлиб ўтган ҳодисанинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусан, Беҳрузнинг муқадлам судланмаганлиги, энг муҳими, маҳалла оқсоқолларининг аралашуви билан айбдор ва жабрланувчилар ўзаро яраштирилганлигини эътиборга олиб, Беҳрузга нисбатан озолиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳукм чиқарди ва унга кўра Беҳруз жазодан озод қилинди.

Албатта, қонунчилигимизда ижтимоий хавфлилик даражаси унчалик балеанд бўлмаган жиноятлар учун ярашув институти жорий этилгани Беҳруз ёки Хуррамга ўхшаган арзимаган келишмовчиликни деб мурося ўрнига муштлашувни эп кўрганлар ўз ҳатти-ҳаракатларига ўзлари баҳо беришлари ва тегишли хулоса чиқариб олишлари учун яхши имконият. Шундай экан, ҳар икки муштумзўрнинг бошидан кечирганларидан бошқалар, биринчи навбатда ёшларимиз ҳам ўзига хос хулоса қилсалар ёмон бўлмасди.

О.ЁДГОВ,

вилоят прокуратураси 9-тармоқ прокурори.

Ф.АБДУРАХИМОВ,

Бош прокуратура Ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи.

Р.МУСОЕВ,

Бош прокуратура Ахборот-таҳлил бўлими катта прокурори.

лан улушни олишда; (суд қарорлари асосида.)

Қонунга кўра, айрим давлат мулклари хусусийлаштирилмайди. Жумладан, Ўзбекистон ҳудуди доирасидаги ер, ер ости бойликлари, сув омборлари, ҳаво бўлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Бундан ташқари, моддий-маданий мерос иншоотлари, архив ҳужжатлари, давлат музейлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, шу жумладан, ҳиёбонлар ва ботаника боғлари.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

АВТОШОҲБЕКАТ КўРГАЗМА УЧУНМИ? ЁКИ АҲОЛИГА ТАКСИ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШ ҲАНУЗГАЧА ИБТИДОЙ ТАРЗДА ҚОЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА



хизмати ходимларининг хавфсизлиги таъминланган. Ҳудуд тўлиқ қузатув камералари назоратида. Йўналишга чиқаётган ҳар бир такси ёки автобуслар рўйхатдан ўтказилиб, йўл варақаси билан таъминланади. Хуллас, барчаси рисоладагидек, амалдаги талаб ва тартибларга мос.

Бироқ афсуски, шу кунларда ушбу қошона деярли хувиллаб қолган. Унинг қисмати ҳам гўё замонавий бозорларимиз қисматида ўхшаб кетаяпти. Тўғри, автошохбекат фойдаланишга туширилган икки-уч йил бу ер гавжум бўлди. Вилоят ва республикаимизнинг деярли барча йўналишлари бўйлаб аҳолига хизмат кўрсатаётган такси, автобуслар шу ерга кўчирилди. Аҳоли ҳам қулай хизматлардан миннатдор эди. Ҳеч кимда эътироз, норозичилик бўлмаган. Барча тартибсизлик ва ноқонуний ҳаракатларни эса “учар таксичилар” яъни, ҳеч бир идорадан рўйхатдан ўтмай фаолият кўрсатаётган киракаш-

нинг масъулари ҳам тегишли): атрофда рўй бераётган бу каби тартибсизликка нега деярли барча, энг аввало тегишли идоралар томошабин бўлиб туришибди? Нега Бойсунда замонавий автошохбекат бўла туриб, узоқ сафарга чиқувчи фуқаролар кўча-кўйда сарсон? Киракаш-таксичиларнинг ноқонуний ҳаракатлари боис Ат-Термизий ва Олмазор кўчаларининг туташ қисмида, светофор атрофидаги тартибсизлик яна қанча давом этади? Мана шундай тартибсизликлардан манфаатдор оғалар бордир, балки? Ёки “Тез тиббий хизмат” бўлими қаршидаги катта кўчада автошохбекат ва фуқаролар ҳаракатида ҳалақат қилаётган Бойсун-Денов-Қумқўрғон йўналишидаги таксичиларнинг ўзбошимчилигига ким барҳам беради?

Шу саволларни такрорлаб, ўзимча хулоса қиламан: нима, Бойсуннинг автошохбекати кўрғазма учун қурилгани? Ахир бу мажмуада қанча қиши фаолият юрятпти, шохбекат ҳам алоҳида юридик корхона мақомида отнинг калласидек солиқ тўлашга мажбур-ку. Нега бу ҳақда ҳеч ким мулоҳаза қилмайди?

Шаҳримиз кўчалари шунчалик танг-торки, шу шароитда автомобил ва пидедаларнинг ҳаракат қилиши а-а-ллақачон қийинлашиб, энг охириги оғир нуқтасига етиб бўлган. Ваҳоланки, автошохбекатдек зарур иншоот шаҳар ички кўчаларидаги ушбу ноулайликларни камайтириш ва аҳолига қулай хизмат кўрсатиш мақсадида нисбатан очиқ ва катта майдонда бунёд этилиб, барча узоқ йўналишдаги такси хизматлари бу ерга кўчирилганди.

Аҳоли турмуш даражаси ортиб бориши бариберида шахсий автоуловларнинг кундан-кун кўпайиб бораётгани бундан кейин ҳам шаҳар ички кўчаларида автоулов ва пидедалар ҳаракатида жуда катта муаммоларни пайдо қилиши ва кучайтириши шубҳасиз. “Бойсун” автошохбекати майдонидан йўналиши лозим бўлган узоқ йўналишдаги юзлаб такси-автоуловларнинг шунингсиз тор шаҳар кўчаларига чиқиб, банд қилиши эса мавжуд муаммо ўн қарра кўпайишига хизмат қилмоқда.

Мана, билганимча, эплаганимча ичимдаги дардларимни газитга беряпман. Шояд, сўз аввалида эслатганимдек, бу эътирозларим масъулларни уйғотса, бир оз хушёр торттирса, мен каби юзлаб, минглаб йўловчи-мусофирларнинг оғирини енгил қилиб, аҳолига такси ва жамоат транспорти хизматларини тўғри келган жойда эмас, фақат “Бойсун” автошохбекатидан амалга оширишни рисоладагидек яна йўлга қўйишса.

Яна билмадим, саккиз синф маълумотини борлиги боис балки мен англай олмаган баъзи бир сир-синоатларни тушириб қолдирган бўлсам ўз-да энди.

А, лаббай?!!

Сарсон ЙЎЛОВЧИ.

ДАСТАЛБКИ ЧОРАК САРҲИСОБИ

2023 йил 1 апрель ҳолатига кўра туманимизда ижтимоий-иқтисодий соҳани юксалтириш, хусусан, саноат ишлаб чиқариши, инвестиция, қурилиш, ташқи савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа энг асосий йўналишларда эътиборли натижаларга эришиши таъминланди.

Биринчи чорак давомида туманда 22,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ҳамда 14,2 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа мос равишда 111,4 ҳамда 137,6 фоизни ташкил этди. Шунингдек, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг вилоятдаги энг юқори ўсиш суръати Бойсун туманида қайд этилди. Қурилиш соҳасида 64,3 миллиард сўмлик, хизматлар соҳасида эса 104,6 миллиард сўмлик ишлар бажарилиб, белгиланган режа мос равишда 105,4 ҳамда 104,9 фоизга таъминланди.

Ташқи ва ички савдо соҳасида ҳам белгиланган режаларнинг ўсиш суръати анча юксалишига эришилди. Хусусан, экспорт ҳажми 1225,7 минг АҚШ долларини (105,5 фоиз) ташкил этган бўлса, ички савдо бўйича чакана савдо товар айланмаси 172,3 миллиард сўмга етказилиб, ўтган йилнинг биринчи чорағига нисбатан 102,0 фоизни ташкил этди. Умумий ҳисобда туманимизнинг вилоят ташқи савдо айланмаси таркибидаги улуши 2,8 фоизга, етказилишига эришилган.

Энг асосий соҳаларда кўлга киритилган ушбу натижалар аҳоли фаровонлигини таъминлаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва иқтисодий юксалишларимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Анвар САИДОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

Ҳозирги пайтда солиқлардан кўп миқдордаги маблағни тўламай, бўйин товлаб юриш охир оқибат жиноий жавобгарликка торттишгача олиб борилишини ҳамма яхши билади.

Аммо “Mansurov Abdulfayz” фермер хўжалиғи раҳбарлари бу жараёни қандай қилиб четлаб ўтмоқчи бўлди, ҳайрон қоласан. Ахир оз эмас, жами 389 миллион 366 минг сўмга яқин солиқ тўловлари ҳазилакам пул эмас. Ҳа, бунинг учун юрак иккита бўлиши керак.

Хулласи калом, 2020-2021 йил-

лар мобайнида фермер хўжалиғи ҳисобига 7 миллиард 76 миллион сўмдан орტიқ маблағ кирим қилинган бўлса-да, ҳисобланган солиқ тўловлари ҳанузгача тўланмай келинаётганлиги маълум

бўлди. Сабабини фермер хўжалиғи раҳбари П.Мадатов (исми-фамилияси ўзгартирилган) ўзича тушунтириб бераркан, хориждан олиб келинган чорва моллари учун катта миқдордаги маблағ сарфлаб,

Давлат хизматлари маркази ходимларининг янги таҳрирдаги Конституциямизни қабул қилишга бағишлаб жойларда ўтказаетган тарғибот-ташвиқот ишларида моҳиятан Бош Қомусимизда таъкидланган ҳуқуқий масалалар билан бугунги ҳаётни боғлайдиган мавзулар мужассам. Бунга биригина бизнинг соҳадаги ўзгаришлар — фаолиятимиз доирасининг кундан-кун кенгайиб бораётганлиги мисол. Бундан 4-5 йил аввал ишга, фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришдан тортиб, кредит олишдаги сарсон-саргардонликлар бугун барҳам топган. Ўзингизга таллуқли маълумотномалар керак бўлганда ташкилотма-ташкилот юришининг ҳожати йўқ. Бир неча дақиқада ишингиз ҳал бўлиши турган гап. Бу каби ривожланишлар, тараққиёт бошқа со-

Маҳаллий аҳоли унчалик ҳам эътибор қилмайдиган, бироқ оқибати жуда оғир кечадиган, ҳатто инсонга ўлим хавфини ҳам олиб келувчи касалликлардан бири бу — Крим-конго гемморогик иситма касаллигидир. У вирус кўзгатадиган, табиий шароитда каналар орқали юқадиган юқумли касалликлар тоифасига кириб, асосан инсонга ўзида гемморогик иситма вирусини сақлайдиган каналарнинг қақиши ёки кана қони билан ифлосланиш орқали ўтади. Шунингдек, касаллик соғлом одамга шу касаллик билан касалланган беморнинг қони орқали ҳам юқиши мумкин.

Касаллик аксарият ҳолларда чорвачилик билан шуғулланувчи фуқаролар, чўпонлар ва қирқимга қатнашган шахсларда кўпроқ учраши қайд

оғилхона қурганлиги, фуқароларнинг истағига кўра кредит маблағлари ҳисобига бир қанча чорва моллари уларга етказиб берилганлиги, шунингдек, иссиқхона қуриш, металлوم сотиб олишга

сарфланганлиги, бироқ бухгалтерия ҳисоб-китобига тушунмасдан қўшимча қиймат солиғи ҳисоблашни билмай, тўғридан-тўғри хисобот топшириб келганлигини тушунтириб ўтди.

БИЗНИНГ ТАРҒИБОТ



этилган. Аммо бугунги кунда деярли ҳар бир хонадонда чорва моллари борлигини эътиборга олсак, ушбу хавфли касалликнинг тарқалиш ҳудуди деярли чекланмаганлигини англаш қийин эмас.

Касалликнинг яширин даври ўрта-

ичаклардан қон кетиши каби аломатлар билан намоён бўлади.

Мазкур хавфли касалликнинг олдини олишнинг энг мақбул чораларидан бири профилактик чора-тадбирларни вақтида қилиш, яъни чорва молларни ва улар сақланадиган жойлар-

ҲАЁТ УЧУН ҲАВФЛИ КАСАЛЛИК

ча 2-3 кун давом этади. Баъзида бу давр бир неча соатларга қисқариши ёки 14 кунгача чўзилиши ҳам мумкин. Касаллик тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, баданнинг совуқ қотиб қалтираши (ваража тутиши), мушакларнинг оғриши, баданда тошма тошиши, юз-бўйин, кўкрак қисми териларининг қизариши ҳамда милк, бурун, ошқозон-

ни тез-тез дезинфекциялашни амалга ошириб туришдир. Шунингдек, каналарни ўзбошимчалик билан қўлда эзиш ёки қайчи билан кесиб ўлдириш қатъиян тақиқланади. Негаки, бундай ҳолатда кана қони инсон аъзоларида қолиб зарарланиш эҳтимоли кучаяди. Болалар ва ҳомиладор аёлларни ҳам қирқим мавсумига жалб қилишдан тий-

Суд ишни атрофлича кўриб, фермер хўжалиғи ҳисобида турган 389 миллион 365 минг 443 сўмни вилоят ДСБ ҳисоб рақамига ўтказиб бериш ҳамда айбига иқдор бўлганлиғи ҳисобга олиниб, П.Мадатовни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 70-моддасига асосан жазодан озод қилиш тўғрисида ҳукм эълон қилди.

С.ҚУРБОНОВ,
департаментнинг туман бўлими бошлиғи.

С.ОЗОДОВ,
департаментнинг туман бўлими инспектори.

Бошоқли дон экинлари-дан бошлаб беда, зигир, нўхат, кунгабоқар, бодом, олма, нок дарахтлари, полиз экинлари ва सबзавотларнинг барглари, поясида занг касаллиғи замбуруғлари учрадики, агарда олди олинмаса ҳосилдан мосуво бўлишингиз аниқ. Занг уруғларининг баҳор, ёз ва қишқи споралари ривожланиш даврини икки хил ўсимликда ўтказадди. Дон экинлари поҳолида қишлаб, баҳорда зиркка ўтади. Сўнг яна дон экинларини зарарлайди. Олма ва нокдаги занг замбуруғлари эса арчада қишлаб,

ҳаларга ҳам тааллуқлидир. Демак, инсонни улуглаш, меҳнатини қадрлаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг йўл кўрсатувчиси, мағзи ҳам Бош Қомусимиз ҳисобланади.

Туманимиздаги айрим корхона, ташкилот, муассасаларда Давлат хизматлари маркази туман бўлими бошлиғи Илҳом Маннонов раҳбарлигида ходимларимиз ташриф буюриб, юртимизда амалга оширилаётган ишлар юзасидан тарғибот-ташвиқот юритар эканмиз, ишчи-хизматчилардан тушган саволларга жавоб беришда ҳам янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасида илгари сурилган имконият ва имтиёзлар тўғрисида батафсил сўз юритяпмиз.

Хуршид ШАРИПОВ,
туман адлия бўлими Давлат хизматлари марказининг етакчи мутахассиси.

илиш лозим. Қирқим вақтида қўлқоп, пойчалари мустаҳкам беркитиладиган шим, камзул ва резин этикдан фойдаланиш керак. Чорва молларида кана аниқланган ҳолда дарҳол ветеринария идораларига, одам танасига кана ёпишганлиғи аниқланса, тиббиёт ходимларига мурожаат қилиш шарт.

Каналарнинг ҳар қандай тури қон сўрувчи паразитлар орасидаги энг хавфли тур зараркунандалар саналишини эътиборга олиб, фуқаролардан юқоридаги тавсияларга қатъий амал қилишлари ва ўзлари ҳамда атрофдагилар саломатлигига беъэтибор бўлмасликларини сўраб қоламиз.

А.КЕНЖАЕВ,
туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Занг ҳосилдорлик душмани

баҳорда унинг споралари яна мевали дарахтларга ўтади. Энг қулай кураш усулларидан бири алмашлаб экишни йўлга қўйишдир. Далалар атрофида зирк, арча дарахтлари ўтқазилмаганлиги маъқул. Энг яхшиси, занг касаллиғига учраган ўсимликларга қарши даво — мутахассислар маслаҳатига кўра дори воситаларини қўллашдир.

А.КЕНЖАЕВ, Б.АБРАҲМАТОВ,
туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими инспекторлари.

ФИКРИ СОЛИМ МАНФИЯТНОҚ АСТ

Ба кулли шахрвандони Ҷумҳурии Ўзбекистон маълум аст, ки 14 марти соли 2023 дар шахри Тошкент мажлиси умумии сио ҳаштуми Сенати Олий Маҷлиси Ҷумҳурии Ўзбекистон баргузор гардид. Дар мажлиси номбурда сенаторон лоиҳаи Қонуни конститусионии Ҷумҳурии Ўзбекистон “Дар бораи Конституцияи Ҷумҳурии Ўзбекистон” муҳокима карданд. Шояд аз хонандагон саволе пеш ояд, ки дар Конституцияи Ҷумҳурии Ўзбекистон раъйпурсии умумихалқӣ қадом масъалаҳои аҳамиятнок оиди ин ҳуҷҷати таърихӣ ба ҳисоб гирифта мешавад.

Ислохоти конститусионӣ ҷузъи ҷудопоазирӣ бозсозӣҳои куллие, ки дар тамоми соҳаҳои ҳаёти мамлакатамон ба вуқӯъ меояд ва ҳамзамон барои заминаи мустаҳкамаи ҳуқуқӣ ба амал омадааст. Аз ин рӯ бояд дар муҳокимаи ин қонун ҳамагон андешаҳо ва мулоҳизаҳои хешро баён кунанд. Мақсади асосии гузаронидани раъйпурсӣ аз он далолат мекунад, ки муаллифи Конституция бояд халқ бошад. Халқ бояд дар ин раъйпурсӣ фаъолона иштирок кунад ва ҳамаи эродҳои онон бегуфтуғӯ дар муҳокимаи ин қонуни таърихӣ ба ҳисоб гирифта хоҳад шуд. Ногуфта намонанд, ки дар муҳокимаи умумихалқӣ доир ба лоиҳаи Қонуни конститусионӣ беш аз 220 ҳазор пешниҳодот дар тақмили он расид ва чоряки он ҳангоми ислоҳи он ба инобат гирифта шуд. Инчунин дар таҳияи Қонуни конститусионӣ беш аз 400 ҳуҷҷатҳои байналхалқӣ ва конституцияҳои 190 давлатҳо дар муқоиса омўхта ва нуктаҳои асосии он ба ҳисоб гирифта шуд. Ба қарибӣ дар рўзномаи “Халқ Сўзи” мақолаи омўзгор аз вилояти Фарғона Қаҳрамон Узоқовро хондам. Муаллиф дар мақолаи хеш менигорад, ки ман ҳамчун омўзгор дар қатори 10 нафар фаъолон, ки дар муҳокимаи лоиҳаи Конституция иштирок намудам. Дар рафти муҳокима дар қатори депутатҳои Олий Маҷлиси тақлиф намурам, ки ҳокими вилоят, шахр ва ноҳия дар баробари соҳиббудани лавозимаш вай набояд ба Шўрои депутатҳои халқӣ раҳбарӣ кунад. Агар ҳокими ноҳия вазиғи раиси Шўрои депутатҳои халқиро дар ўҳда дошта бошад, ў хоҳу ноҳаҳ ҳангоми тақсироти буҷаи маҳаллий, андоз ва диғар масоилҳои иҷтимоӣ ва иқтисодӣ ноҳия ҳадаф ва андешаҳои хешро иброз мекунад ва дар ин сурат намояндаҳои мардумӣ барои рӯйхотири ҳоким фикрҳои ўро қонибдорӣ мекунанд. Дар ин сурат ноадолатиҳо ба миён меоянд. Муаллиф бо як эҳсосоти хушнудӣ қайд мекунад, ки фикри ўро дар ин бобат ҳамаи депутатҳои Олий Маҷлиси қонибдорӣ мекунанд.

Дар анҷом муаллиф ба сокинони ҷумҳурӣ изҳор мекунад, ки дар муҳокимаи Конституция бефарқ набоянд, дар роҳи тағироти ислоҳи он фаъолона иштирок намурад, мисли банди андешаҳои солими хешро баён намоянд.

Анвар ХОЛОВ,
омўзғори фанни таърихи мактаби рақами 33-ум.



РАЪЙИ МАРДУМ ҲАҚ АСТ

30 апрель дар Ҷумҳурии Ўзбекистон раъйпурсӣ оид ба қабули тағироти иловаҳо ба Конституцияи Ўзбекистон баргузор мегардад. Дар рафти муҳокимаи ин ҳуҷҷати таърихӣ аз шахрванди оддӣ то ба мутахассисони ҳифзи ҳуқуқ, депутатҳо, олимон ва экспертизони хориҷӣ ва байналмиллалӣ ширкат варзиданд. Масалан, корманди илмии Паёжўишгоҳи Осӣё ва Аврупои Академияи илмҳои Тоҷикистон Виктор Ким дар яке аз мусоҳибаи худ бо кормандони расонаҳои ахбори умумӣ чунин иброз дошт: “Конституцияи Ўзбекистон, ки 8 декабри соли 1992 қабул шудааст, яке беҳтарин конституцияҳо дар фазои пасошўравӣ буда, нақши таърихӣ худро дар ташаққули давлатдорӣ нави ҷумҳурии ҷавон ба таври беҳтарин бозид”. Номбурда дар рафти мусоҳиба бо далелҳои боъэтиמוד суҳанашро идоме дода илова намудааст: “Сарвари Ўзбекистон иқдоми далерона карда, дар мулоқот ба аъзоёни Комиссияи Конститусионӣ пешниҳод кард, ки тағироти иловаҳо ба Конституцияи таваассути раъйпурсии умумихалқӣ қабул карда шавад. Президенти Ўзбекистон ба халқ бовар дорад ва Конституция бояд воқеан мардумӣ гардад”.

Воқеан а н д е ш аҳои ин олим хеле дақиққорона гуфта шудааст. Чуноне ки мо муҳокимаи ин ҳуҷҷати таърихиро дар оинаи ҷаҳонамо дар иштироки олимон, кормандони ҳифзи ҳуқуқ ва шахрванди оддӣ мебинем, ҳангоми баҳсу мунозираҳо ҳама баробар андешаҳои хешро дар ин бобат иброз мекунанд. Фикру андешаҳои онҳо баҳри беҳбудии кор асту холос. Агар ғалат накарда бошам, Президент Шавкат Мирзиёев дар таҷлили Рўзи Конституция, ки 8 декабри соли сипаришуда гуфта буд, ки “бояд Конституция мо манфиати мардумро ҳимоя

Дар ҳама давр омўзгор, устод ҳамчун шахси фидокор, эҷодкор ва ҳамқадами замон дар пеши назари ҳар яки мо намоён мешавад. Пешаи омўзғорӣ кори пурифтихори пуршараф буду ҳаст. Ба ҳамагон маълуму равшан аст, ки солҳои аввали истиқлолият обрўву нуфузи омўзгорон дар чомеа хеле пойн рафта буд. Омўзгорон бо маоши ночиз кор мекарданд. Қариб ҳаррўз муаллимнор ба қорҳои иҷборӣ ва иловағӣ маҷбур мекарданд. Агар шумо ёд дошта бошед, хонандагону омўзгорон 2,5-3 моҳ ба кори ғунҷини пахта машғул мегаштанд, ки он барои азхудкунии дарсҳо зарари зиёда мерасонид. Он замон ҳеҷ касе ҳадде надошт, ки дар ин бора эътирозе кунад. Бо шарофати иродаи сиёсии Президент Шавкат Мирзиёев он рўзҳо паси сар монданд. Сарвари давлатамон дар раванди ислохоти сохтори маориф ба баланд бардоштани нуфузи касбӣ омўзғорӣ ва мақоми он дар чомеа таваҷҷўҳи хоса зоҳир мекунад. Солҳои охир дар роҳи пуррўз намулдани макъёе ва таъсири муаллимону мураббён бо талаботи замон ислохоти бузург ба амал

ЭҶТИРОМ БА ОМУЎЗГОР

бароварда шуд. Муаллимон аз меҳнати маҷбурӣ пахтачинӣ, қорҳои ободонӣ озод карда шуданд. Бо ташаббуси сарвари давлат тартиби пардохти иловагии 100 фоиз ба маоши моҳонаи омўзгорони фидокор ва эҷодкор, ки дар мактабҳои дурдастарин фаъолият мекунанд, қорӣ карда шуд. Бо туйфаили ин савёо ҳаракатҳо мақоми намояндагони соҳаи маориф дар чомеа боло рафт. Махсусан, Қонун “Дар бораи ворид намулдани иловаҳо ба кодекси ҷиноии Ҷумҳурии Ўзбекистон ва Кодекси ҷавобгарии маъмурии Ҷумҳурии Ўзбекистон вобаста ба пуррўз намулдани ҷавобгарӣ барои монёе шудан ба педагоғҳо дар иҷрои вазиғи худ”, ки аз ҷониби Президент 27 марти соли қорӣ ба имзо расид, он пурра манфиатҳои муаллимнор дар бар мегирад. Аз ин хотир, мо муаллимон ҷавобан ба ин ғамхориҳо барои тарбияи насли наврас камари ҳимматро маҳкамтар бубандем.

Тўйҷи ҶОМИЕВ,
омўзғори фанни риёзиёти мактаби рақами 61-ум.

Ҳамроҳи АВЛИЁПҮР САЛОМНОМА

Салом, эй деҳаи озодаи ман,
Мақони зодагони ҳафтпўштам.
Салом, эй қўҳҳои сарбаафлок,
Салом, эй дашти паҳнову дуруштам.
Салом, эй рўдаки бедори деҳа,
Ягона манбаи рўзии мардум.
Ту медонӣ, ки ман чун санги испед,
Ба қарат кўдакиро кардам гум.
Салом, эй мусофедони сари қат,
Салом, эй нозирони поки хушигил,
Аз он шодам, қунон ҳам мешиносед,
Маро чун нусхае аз Пирӣ хушдил.
Салом, эй сандуқи беқулфу занҷир,
Ба ғафлатгўшаи айвони додар.
Дари камрангу бечашми ту дорад
Нишон аз панҷаҳои мову модар.
Салом, оромгоҳи пушти деҳа,
Салом, ойнаи рухсори зардам.
Замоне бар сари гўри азизон
Ту будӣ шохиди андўху дардам.
Салом, эй роҳаки танги бари қўҳ,
Раҳи пурпечу пурсангу пур аз хор.
Ба ёдат ҳаст, шеъри аввалинор
Навиштам дар кафат бо пой хуншор.
Салом, эй духтари ҳамсоии ман,
Салом, эй моии ишқи нахустам.
Намедонам, ки бе ман ҳоли ту чист?
Вале бе ишқи покат ман нарустам.
Салом, эй дўстони мактабиям,
Салом, эй сокинони ёди ширин.
Қунон ҳам бачагӣ аз пушти парта,
Ба сўям мезанад фарёди ширин.
Салом, эй ҳамдёрони хушиқбол,
Салом, эй қавму эй пайвандҳоям.
Ман имрўз аз шумо дурам, вакекин,
Ба мисли гўшту ноҳун бо шумоям.

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

Мактабгача таълим тизимида фаолият юрсатиш, олган, олаётган билим ва тажрибаларимни жажжи болажонлар таълим-тарбиясига сарфлашни ният қилиб шу соҳага кириб келганман.

Гарчанд касбимиз, фаолиятимиз бир қарашда оддий туюлса-да, аслида зиммамизга жуда салмоқли масъулият юкланганини ҳис қилиб тураимиз. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсам, бугунги мактабгача таълимда ҳатто “тили чиқмаган” жажжи кичкин-тойлар ҳам илк маротаба таълим-тарбиянинг дастлабки босқичларига қадам қўйишади. Устозлар кўмағида дунёга ўзгача ҳавас, ўзгача ҳис-туйғулар билан назар ташлай бошлашади, дастлабки сабоқларга қўл уришади. Мурғак қалб ўзи ҳали билиб улгурмаган рангин дунёнинг ажралмас қисми эканлигини атак-чечак сеза бошлайди.

Муҳтарам Президентимизнинг кейинги пайтларда мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳага энг замонавий илгор тажрибаларни тадбиқ этиш борасидаги савй-ҳаракатларининг асл мазмун-моҳиятини шу соҳага келиб ишлай бошлаганимдан сўнг янада теранроқ англай бошладим. Президент мактабгача таълим – барқамол ёш авлодни воёга етказишнинг илк пойдевори, фарзандларнинг катта ҳаёт йўлига олиб чиқувчи дастлабки маънавий сўқмоқ эканлигига алоҳида ишора қиялтилар. Демак, биз, соҳа ходимлари ҳам ана шу давлатни ҳис этган ҳолда фаолият олиб боришимиз керак бўлади.

Тан олиш керак, бугун янгидан қуриб фойдаланишга топширилаётган мактабгача таълим қўшоналаридаги шарт-шароитлар, имкониятлар билан ҳар қанча гурунланасак арзийди. Болажонлар яйраб таълим-тарбия олишлари, замонавий усулда мактабгача таълим кўникмаларини шакллантиришлари учун барча қулайликлар муҳайё. Малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Шу кунларда мамлакатимиз микёсида муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги Ўзбе-



кстон Республикаси Конституцияси билан танишган ҳар бир инсон янгиланаётган Бош Қомусимизда ҳам мактабгача таълимга алоҳида эътибор қаратилганлигини англаши қийин эмас. Хусусан, унинг 50-моддасида қайд этилган “Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратати” мазмунидagi банд келгусида мамлакатимизда ҳам мактабгача таълим-тарбияга давлат даражасида юксак эътибор қаратилишини кафолатлайди.

Янги ислохотлар натижаси ўлароқ кейинги йилларда давлат, давлат-шерикчилик ҳамда оилавий мактабгача таълим ташкилотлари тизими ташкил этилиб, 7 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълимга қамров даражасини кескин ошириш учун янада қулай имкониятлар ҳам яратилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан мактабгача таълимга жалб этилган болажонлар бошланғич таълимга чиққунларича хориж тилларида ҳам дастлабки билимларни олишларини йўлга қўйиш борасидаги тақлифлари, айниқса, яқин келгусида бизда ҳам мактабгача таълим тизими жаҳон стандартлари даражасига чиқишида дастуруламал бўлиши имкониятини бериши шубҳасиз.

Мафтуна ҲАМИДОВА,
Термиз Давлат Университети мактабгача таълим факультети сиртки 5-курс талабаси.

Эндиликда яхши анъанага айланиб қолган китобхонлик ҳафталиги бу йил мамлакатимизда учинчи марта ўтказилди. Аммо шундай бўлишига қарамай, мана шу қисқа вақт мобайнида “Китоб-севар миллат” умуммиллий ғояси остида ташкил этилаётган мазкур тадбир кенг жамоатчилик орасида энг яхши маданий-маърифий тадбирлардан бири сифатида эътироф этила бошланди. Зотан, китобхонлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ҳислатлардан бири эканлигини эътиборга олсак, бу эътирофни табиий ҳол деб қабул қилиш ҳам мумкин.

Бир ҳафта давом этган китобхонлик байрамини юқори савияда ташкил этиш борасида туман Ахборот-кутубхона маркази ходимлари ҳам алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Хусусан, белгиланган иш режа асосида ходимларимиз томонидан китобхонлик ҳафталиги доирасида турли мавзуларда китобхонлик ва китоб тарғиботига доир маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, мазкур тадбирларга турли қат-

ламдаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳоли жалб этилди. Жумладан, “Очиқ осмон остида китоб улашамиз”, “Китоб бор экан, қалблар эзулик сари интилаваради”, “Буюк соҳибқирон авлодларимиз”, “Китобхон болалар — юрт келажаги”, “Энг яхши китобхон болажон” ва бошқа бир қатор қизиқарли мавзулардаги тадбирлар давомида бўлиб ўтган учрашув, суҳ-

КИТОБХОНЛИК — МАЪНАВИЯТ БЕЗАГИ

бат ва мулоқотлар натижаси ўлароқ обуначи-китобхонларимиз сафи ҳам сезиларли даражада кўпайишига эришилди. Бу барча қатламдаги аҳоли орасида китобхонлиқни тарғиб қилишда мана шундай фестиваллар, маданий тадбирлар нечоғлиқ аҳамият касб этишидан дарак беради.

Марказимиз томонидан жорий қилинган анъанага мувофиқ китобхонлик ҳафталиги якунига бағишланган тадбирга туманимизнинг бир гуруҳ ижодкорлари, энг яхши китобхонларимиз, ёш ижодкор-ўқувчилар ҳамда “Бойсун” газетаси ижодкорлари таклиф этилди. Қизғин ва

ҳар тарафлама ижодий руҳда ўтган тадбирда ижодкор педагог С.Насруллаева, ижодкор Т.Бўриев, “Бойсун” газетаси муҳаррири Д.Ориповлар республика китобхонлик ҳафталигининг аҳоли орасида, энг аввало, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини юксалтиришда тугтан аҳамияти ҳақида тўхталиш баробарида, ўзларининг ҳам китобхонлик тарғиботи хусусида ҳаётий тажрибалари ҳақида қизиқарли фактларни эслаб ўтдилар.

Тадбирда иштирок этган ёш ижодкор-ўқувчилар эса ўзларининг ижодий намуналаридан ўқиб бердилар. Тадбир сўнггида сўз олган Ахборот-кутубхона маркази раҳбари китобхонлик ҳафталигини кўтаринки руҳда ўтказишда муносиб хисса қўшган барча ҳамкорларга миннатдорчилик билдириб, энг яхши китобхонлар ва ижодкор ҳамкорларни фахрий ёрликлар билан тақдирлади.

Манзура РАҲМОНОВА,
туман Ахборот-кутубхона маркази мутахассиси.

Ёшлар орасида китобхонлик кенг тарғиб қилиш, ёш китобхонларни рағбатлантириш, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик қилишда “Бойсун” газетаси ижодий ходимларининг ташаббуслари алоҳида кўзга ташланмоқда. Айниқса, таҳририят ижодкорлари билан бўладиган учрашувлар ҳамisha самимий ва ўзига хос ижодий руҳда ўтиши билан ёшларда алоҳида таассурот қолдиради.

Газета ходимларининг ана шундай ижодий учрашуви яқинда бизнинг мактабда бўлиб ўтди. Ёш китобхонлар, ижодкор ёшлар ҳамда уларнинг устозлари иштирок этган тадбирни мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари М.Сариева очиб, бугунги кунда мактабда “Беш ташаббус” доирасида китобхонлик ва китоб тарғиботи борасида олиб борилаётган ишлар хусусида қисқача маълумот бериб ўтди. Шундан сўнг газета бош муҳаррири Д.Орипов, масъул котиб П.Назаровлар таҳририят фаолияти, “Бойсун” газетасининг тарихи, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда таҳририят ижодкорлари олдида турган муҳим вазифалар хусусида тўхталиб ўтдилар.

—Ёшлар орасида китобхонлиқни тарғиб қилиш ҳар бир ижодкорнинг бурчи, қулниқ вазифаси бўлиб қолиши керак, — дейди газета муҳаррири Д.Орипов. — Қолаверса, бу замоннинг талаби ҳам. Замон, давр ҳар қанча тезлашмасин, замонавий ахборот технологиялари ҳар қанча ривожланмасин, китоб мутлоаси ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чунки инсон тафаккурини чархашда, дунёни бор гўзалликлари билан англашда ҳеч бир нарса китобнинг ўрнини боса олмайди. Президентимизнинг ҳар бир оила китобхон бўли-



ши керак, деган фикрларининг маъно-мазмунини ҳам шунда.

Таҳририят ижодкорларининг навбатдаги ташрифи китобхонлиқни шунчаки, расмийчилик учун тарғиб қилиш учун ўтказилмади. Улар ёш ижодкорлар билан учрашув баҳонасида мактабимиз кутубхонасига жаҳон ва ўзбек адабиёти намуналари жамланган сара китобларни совға қилишди. Энди бу китоблар мактаб кутубхонаси орқали нафақат ўқувчиларимиз, балки маҳалламизнинг бошқа обуначи-китобхонлари хонадонларига ўзига хос маънавий руҳ олиб киришидан бутун жамоамиз беҳад хурсандмиз.

Аjoyиб ижодий руҳда ўтган маданий тадбир сўнггида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Б.Алимардонов, ёш ижодкорлар М.Чориева, А.Нурмановлар сўз олиб, “Бойсун” газетаси ижодий жамоасига миннатдорчилик билдирдилар.

Гулизебо МЕНГЛИҚУЛОВА,
27-умумтаълим мактаби кутубхоначиси.

ҚОМУСИМИЗ

Янгиликдан иборатдир, Ҳар моддаси ибодатдир. Халқимизга саодатдир, Бизнинг ору номушимиз, Химоячи Қомусимиз.

Хукуқимизнинг номаси, Яхшиликларнинг ғояси. Қонунларнинг ниҳояси, Бизнинг ору номушимиз, Химоячи Қомусимиз.

Бир моддаси билим олиш, Яна бири меҳнат қилиш. Сайловларда овоз бериш Бизнинг ору номушимиз, Химоячи Қомусимиз.

Ҳамма уни яхши билсин, Моддаларга амал қилсин, Шу қонунга содиқ қолсин. Бизнинг ору номушимиз, Химоячи Қомусимиз.

Тангрикул БҮРИЕВ, 4-умумтаълим мактабининг маънавий-ижодий ишлар бўйича тарғиботчиси.

БОЙЧЕЧАК

Келди баҳор нафаси, Олам гулларга тўлди. Дала-кирда бойчечак Барчага манзур бўлди.

Бойчечак баҳор кизи, Тонг шамол аллалар, Куёшнинг шуъласида Келинчакдек товланар.

Самодаги булутдан Ёмғир аста томчилар. Сариқ ва оқ қизларнинг Рўмоллари ҳилпирар.

Нурунгни соч, эй, Куёш, Бойчечаклар куйласин, Кувнасинлар кекса-ёш, Юртим доим гулласин!

Худойберди ХҲАЁЕРОВ, Ўрта Маҷай маҳалласи, Хўжадияқ қишлоғи.

Буюк Алишер Навоий бобомизнинг мероси битмас-туганмас хазина. Уни оламга сиғдира олиш мумкин, аммо кўнгилларга сиғдириб бўлмас. Мана исботи — 3-умумий ўрта таълим мактабида уюштирилган “Навоий ворислари” тадбири бошланишида фаоллар залига олиб қирилган бир арава тилло эмас, озиқ ҳам эмас, нақ бир уюм китоб — ҳаммаси Навоий бобомизнинг асарлари ва у ҳақдаги эсдаликлар. Фақат бу қалбларга сиймас хазинанинг бир қисми, холос...

Навоийхонлик нафақат февраль-март ойлари, йилнинг тўрт фаслида ҳам давом эттириш ана шундан. Қолаверса, тадбир бошланишида юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган беш муҳим ташаббус жараёнларига ҳамоханг китобхонлик, компьютер графикаси, санъат ҳамда бичиштиқиш асосида тайёрланган осори-атиқаларимизга мос бойсунча қўл меҳнати махсулотлари фикримизга яққол далилдир.

Қолгани улуг шоирнинг ғазалларини унутмай эъзозлаб келаётган ёшлар тилида жарангламоқда. Беш нафар зукко ўқувчи қизларнинг Навоийга бўлган эҳтироми улар томонидан ижро этилган сахна кўринишлари ва ғазалхонликда яққол намоён бўлди. Ҳам ғазалхонлик, ҳам куй-қўшиқлар, сахнавий чиқишлар ҳамда савол-жавобларда ҳам Навоий. Айтиш жоизки, ушбу тадбирни тайёрлашда тил ва адабиёт муаллималари билан бирга мусиқа фани ўқитувчиси Аҳад

Сўлим Бойсунимиз узра Самарқанд шаҳридан етиб келган хушхабар барчамизни қувонтириб юборди, десак асло муболага бўлмас. Ёш спортчиларимиздан бири Асилбекнинг республика чемпионати мусобақасида кумуш медаль соҳибига айлангани бизда келажак авлодларга нисбатан умид ва ишонч уйғотади.

Кўхна ва навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилган қўл жанги бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашувларида туманимиздаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Асилбек Нуриллаев 48 килограммлик вазнда гиламга чиқиб, кумуш медаль билан тақдирланди. Қаранг-а, ҳам биллур соврин, ҳам Россиянинг Тула шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати баҳсларига йўлланма.

Офарин! Омад сенга, Асилбек!

Юнус ХОЛИЁРОВ, туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари.

НАВОИЙ ВОРИСЛАРИ



совринлар топширар экан, сахнада Навоий, Гули, Хусайн Бойқаро образларини талқин этган ёшларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Сурайё ГАЗИЕВА,
Республика маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари.

Нормаҳмат ШАРИПОВ,
таълим, фан ходимлари касаба уюшмалари туман Кенгаши бўлинимаси раиси, туман Кенгаши депутати.

АСИЛБЕККА БИЛЛУР СОВРИН



BOSH MUHARRIR V/B
Davron OROPOV

NAVATCHI:

N.JO'RAQULOVA.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰
Topshirildi - 16⁰⁰
Adadi : 2290
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul
✉ - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:

190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@uail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.

ЁҚУБ НОРСАИДОВ.